
“Қудашбод” маҳалласи еттилиги янгиланган масканда иш бошлади
Ўзбекистон туманидаги “Қудашбод” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудуддаги
таъмирланиб, қулай шароитлар яратилган янги масканда иш бошлади.

Ташкил топганига уч йил бўлган ва 2 минг 450 нафардан зиёд аҳоли вакиллари
истиқомат қиласиган маҳалланинг идораси шу кунга қадар замон талабларига
мос бўлмаган шароитдаги бинода фаолият кўрсатиб келаётган эди.

Худудда бўш турган масканда йиғин учун бинолар ажратилиб, ҳомийлик
маблағлари асосида таъмирланди. Маҳалласи еттилигини муносаб иш олиб
бориши учун зарур барча шароит яратилди.

Бугун қудашбодликлар ушбу хайрли ташабbus ижобати муносабати билан янги
масканда жам бўлдилар. Тадбирда туман сектор раҳбарлари ва жамоатчилик
иштирок этди. Унда сўзга чиқсан туман ҳокими Шерзоджон Юлдашев сўнгги
йилларда маҳалла фуқаролар йиғинлари жамиятнинг қуи бўғини сифатида
барча инсоний фазилатларни кенг намоён этиб, оиласарда тинчлик-тотувликни
таъминлайдиган, жиноятчиликнинг олдини олиб, фаровон ва обод турмушни
кафолатлайдиган серфайз гўшага айланганини алоҳида таъкидлади.

Маҳалла фаолларининг жонкуярликлари, фидоийлиги алоҳида эътироф этилиб,
эзгу амаллар бардавом, обод масканлар кўпайишига тилаклар билдирилди. Яхши
ниятлар билан дарахт кўчатлари экилди.

2024-11-21 17:50:19